

**МУДОФАА СОҲАСИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ  
ФАОЛИЯТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

**Ахборот-таҳлилий фаолият ва унинг мудофаа соҳасидаги  
аҳамиятига оид илмий ёндашувлар**

*Джалилов А.М.*

Бугунги шиддат билан ривожланаётган геосиёсий вазиятда мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, технологиялар соҳасидаги ютуқлар ҳамда кибер урушлар қиёфасининг ўзгариши натижасида ахборотни ишончли ва самарали таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж ортиб, биринчи даражага айланди.

Хусусан, ахборот-таҳлилий фаолият замонавий инсоннинг интеллектуал фаолиятидаги энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у сиёсат, тарих, иқтисод ва таълим каби ҳаётнинг турли соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ. Бу иш маълум бир методология бўйича, асосий ахборот манбалари сифатида матнли маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Автоматлаштирилган тизимлар маълумотларни қайта ишлашни соддалаштиришга ёрдам беради.

Шунингдек, ҳозирги вақтда ахборот-таҳлилий фаолият кенг тарқалиб, касбий фаолиятга айланди. Аксарият мамлакатларнинг давлат идораларида, турли фирма ва банкларида, сиёсий партияларида ахборот-таҳлилий фаолиятга ихтисослашган бўлимлар ва хизматлар мавжуд. Таҳлилий маълумотлар, интеллектуал маҳсулотлар, усуллар ва уларга хизмат кўрсатиш учун дастурий таъминот бозорлари жадал ривожланмоқда. Ахборот таҳлилининг (ахборот-таҳлилий фаолият) алоҳида фаолият соҳаси сифатида шаклланиши жуда тез ва барча жараёнларнинг максимал даражада фаоллашиши ҳамда кўплаб муаммоларнинг кескинлашуви шароитида содир

бўлди. Таҳлилий фаолият узоқ вақтдан бери қўлланилганига қарамай, уларнинг таснифи ва аниқ таърифи ҳали шаклланмаган<sup>1</sup>.

Лекин Мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолият ҳақида фикр юритилганда, қандайдир бир корхона ёки алоҳида тармоқ эмас, балки давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, суверенитети ҳамда мамлакат конституциявий тузумини таъминловчи ахборот-таҳлилий фаолият ишини амалга ошириш ҳамда шу жараёнда қарор қабул қилувчини ишончли, тезкор таҳлилий маълумотлар билан таъминлашнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу ўзига хосликдан келиб чиқиб, Мудофаа тизимидаги ахборот-таҳлилий фаолиятнинг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ахборот-таҳлилий фаолиятнинг асослари қадимги Юнонистон тарихига бориб тақалади. Милоддан аввалги IV асрда Аристотел билимларни тизимлаштириш ва маълумотларни таҳлил қилишнинг биринчи уринишлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган маълумотларни ёзиб қолдиради.

Бироқ, Мудофаа соҳасида ахборот-таҳлилий фаолият XX асрда ривожлана бошлади. Ушбу фаолият стратегик қарорлар қабул қилиш ва хавфсизликни таъминлашда марказий ўринни эгаллайди. Бу эса “Хавфсизлик тадқиқотлари”нинг ривожланиши билан белгиланди.

Аммо Мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолияти шаклланиши ва ривожланиши шартли равишда ўзига хос тарихий жараён сифатида белгиланади.

Даставвал, милоддан олдинги 400-йилда ёзилган Қадимги Хитой Императори Сун Цзи ўзининг “Уруш санати” номли рисоласида “урушда галабани таъминлаш учун муҳим бўлган нарса тактика эканлигини, бироқ тўғри тактика танлаш эса душман ҳақида тўпланган маълумотларнинг

---

<sup>1</sup> Ерохин В.В., Некоторые аспекты информационно-аналитической работы в высшем учебном заведении. 12.10.2023. <https://odin.mgimo.ru/upload/iblock/fd0/nekotorye-aspekty-informacionno-analiticheskoy-raboty-v-vysshem-uchebnom-zavedenii.pdf>

канчалик аниқ ва ишончли эканлигига боғлиқ” - деган ахборот-таҳлилий фаолиятнинг мағзини ташкил қилувчи ғоя ҳақида фикр юритади<sup>2</sup>.

Худди шу даврда яшаган Аристотел ўзининг “Сиёсат” номли китобида “қўшиннинг муваффақиятли юришлари биринчи навбатда ҳарбий маълумотларга боғлиқ эканлиги” ҳақидаги муҳим фикрларини шогирди Александр Македонский ўша даврнинг ўзида дунёнинг ярмини бўйсундириш билан исботлаган<sup>3</sup>.

Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” ҳамда Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида “қўшининг етти тури”га бўлишда хабарчилар таркибида кичик махсус бўлинма бўлганлигини, унинг вазифаси хабарчилар етказган маълумотларни таҳлил қилиб, керакли шаклга келтириб, олий қўмондонни ҳамда шундан сўнг бутун қўшинни маълумотлар билан таъминлаш бўлганлигини ёзган. Бу эса замонавий Мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий бўлимларнинг бундан 600 йил муқаддам шаклланган кўриниши бўлганлигини билдиради<sup>4</sup>.

Юқоридаги тарихий маълумотлардан келиб чиқиб, Мудофаа ахборот-таҳлилий фаолиятининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши, шу сабабли маълум бир қонуниятлар ҳамда ўзгаришларга алоқадор бўлганлиги учун ҳозирда мавжуд бўлган замонавий илмий ёндашувларни билиш муҳимдир.

Жумладан, Едвард Рольф Тафти<sup>5</sup> назариялари мудофаа соҳасида ахборот-таҳлилий фаолият ва қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган маълумотни аниқ ва тўғри тақдим этиш муҳимлигини ўз илмий қарашларида исботлаган.

---

<sup>2</sup> Сунь-Цзы, Искусство войны. <https://www.litres.ru/book/sun-czy/iskusstvo-voyny-17195153/chitat-onlayn/>

<sup>3</sup> Аристотель, Политика. 2023 г. – С. 200-210.

<sup>4</sup> Акбарходжаев К.А., Амир темур ва темурийлар даврида ҳарбий кадрлар тайёрлаш шакли ва устувор жиҳатлари // «Новости образования: исследование XXI века». Международный научный журнал: №9(100), часть 1. 2023. – С. 206-207.

<sup>5</sup> Тафти Э.Р., Проектирование и внедрение систем поддержки принятия решений для анализа военной разведки // Доступ IEEE, 2020.

Синицын Максим<sup>6</sup> мудофаа ва миллий хавфсизлик органларининг ахборот-таҳлилий фаолияти АҚШнинг ички хавфсизлигини таъминлашда асосий бўғин эканлигини таъкидлаган.

Шу билан биргаликда, соҳани тадқиқ қилган олим Герберт Саймон<sup>7</sup> “чегараланган рационаллик” концепциясини ишлаб чиққан ва унда қарор қабул қилувчилар кўпинча мавжуд маълумотлар ва когнитив қобилиятлар доирасида оқилона танлов қилишларини таҳлил қилган. Ушбу концепция мудофаани режалаштиришда маълумот тўпланиши ва таҳлил қилинишига таъсир қилишини исботлаган.

Тадқиқотчи Майкл Браун<sup>8</sup> технология ва ахборотни мудофаа стратегияларига интеграция қилиш тарафдори сифатида илмий изланишлар олиб бориб, ананавий матн кўринишидан давом этиб келаётган мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолияти замонавий технологиялар ва инновациялар натижасида ўз шаклини ўзгартириб, нисбатан кам вақт талаб қиладиган, ўқилиши осон бўлган схема, диаграмма, инфографика ва бошқа электрон кўринишдаги тасвирларга ўз ўрнини бўшатиб беришини эмперик кўзатиб, фойдали хулосалар ишлаб чиққан.

Шунингдек, Синтия Эбинджер<sup>9</sup> геофазовий ахборотни мудофаа ва хавфсизликда қўллаш бўйича тадқиқотлари билан танилган. Унинг иши стратегик режалаштириш, маълумотларни йиғиш ҳамда мудофаа амалиётларида вазиятдан хабардорлик учун географик ва фазовий маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш муҳимлигини ўрганган.

Ушбу олимлар ва уларнинг назариялари замонавий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун мудофаа соҳасида АТФнинг аҳамияти,

---

<sup>6</sup> Синицын М.В., Информационно-аналитическое обеспечение внутренней безопасности современного государства (на примере США), 2016.

<sup>7</sup> Саймон Г.А., Концепция «ограниченной рациональности», 2022.

<sup>8</sup> Майкл Б., Бывший руководитель подразделения оборонных инноваций освобожден от ответственности за ненадлежащий прием на работу, 2022, [https://translated.turbopages.org/proxy\\_u/en-ru.ru.caded21f-662b6bf8-d96cee7c-74722d776562/https/www.bloomberg.com/news/articles/2022-09-13/defense-innovation-unit-head-brown-cleared-of-improper-hiring?\\_\\_ya\\_mt\\_enable\\_static\\_translations=1](https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.caded21f-662b6bf8-d96cee7c-74722d776562/https/www.bloomberg.com/news/articles/2022-09-13/defense-innovation-unit-head-brown-cleared-of-improper-hiring?__ya_mt_enable_static_translations=1)

<sup>9</sup> Ebinjer S., Defence Industrial Strategy, December 2005, [https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/272203/6697.pdf](https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/272203/6697.pdf)

стратегияларни шакллантириш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнлари ҳақида тушунча беради.

Юқоридаги олимларнинг фикрларидан “ахборот-таҳлилий фаолият” тушунчаси морфологик жиҳатдан учта яқдил мустақил сўзларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган бўлса-да, маъно жиҳатдан доим бирикиб келади. Унинг мазмуни эса моҳиятида намоён бўлади.

Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг моҳиятини очиб берган Н.А. Сляднева куйидаги таърифни беради: “Ахборот таҳлили қарор қабул қилишни оптималлаштириш мақсадида мавжуд маълумотларни қайта ишлаш асосида янги билимларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Замонавий ахборот таҳлили - бу табиий интеллектга ва катта ҳажмдаги ахборотларни бошқариш учун компьютер технологияларига, жараёнларни математик моделлаштириш усулларига ҳамда бошқаларга таянадиган мураккаб ва яхлит фаолиятдир”<sup>10</sup>.

Ҳозирги вақтда “ахборот-таҳлилий фаолият” тушунчаси ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланмаган. Ушбу тушунчани турли муаллифлар турлича шакллантирадилар. Шундай қилиб, А.Кривобоков нуқтаи назаридан, “бу дастлабки маълумотларни қайта ишлаш ва сифат жиҳатидан янги билимларни олиш йўли билан таҳлил технологиялари ёрдамида жамиятнинг ахборот эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган инсон фаолиятининг махсус тармоғидир”<sup>11</sup>.

Ахборот-таҳлилий фаолият қарор қабул қилишни оптималлаштириш учун маълумотларни тўплаш, текшириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлашни ўз ичига олади. Қабул қилинган қарорларнинг адекватлиги ҳамда оқибатлари кўп жиҳатдан ахборот таъминоти сифатига боғлиқ. Бошқарув

---

<sup>10</sup> Сляднева Н.А., Информационно-аналитическая деятельность: проблемы и перспективы, – М. : Факт, 2006. – С. 25-36.

<sup>11</sup> Кривобокова А., Интернет–бизнес–аналитика – информационная технология нового века // Факт: информ-аналит журн. 2019. <http://www.fact.ru/www/archiv9s16.htm>

соҳасида самарали ахборот ва таҳлилий ёрдам муайян қарор натижаларини тўғри башорат қилиш қобилиятига ёрдам беради<sup>12</sup>.

Бошқарув фаолиятини ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади қарор қабул қилувчиларни ўзларининг касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур ва етарли миқдордаги маълумотлар билан таъминлашдир<sup>13</sup>.

Аввало, ахборотни таҳлил қилиш ахборотни сифат жиҳатидан мазмунли ўзгартириш вазифасини бажаради, бу жиҳатдан илмий (янги билимларни яратиш) ва бошқарув (вариантлар, ечимлар, сценарийларни ишлаб чиқиш) фаолиятидан функционал жиҳатдан фарқ қилади<sup>14</sup>. Таҳлил тизимидаги функционал ўзаро таъсир (кесишиш) моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин: илмий билимлар ва ахборот таҳлили билишнинг информацион усуллари ва воқеликни илмий таҳлил қилишдир. Бироқ, улар ўртасида фарқ бор: илмий билимлар ва умумий қонуниятларга асосланган ахборот таҳлиллари, асосан, мавжудлик феноменологиясига, фактлар ва ходисаларни баҳолашга ва уларнинг ривожланишини башорат қилишга, нафақат умумий типик параметрларни, балки бир қатор омилларни ҳам ҳисобга олади<sup>15</sup>.

Бугунги кунда ахборот-таҳлилий фаолият нафақат ҳарбий, қолаверса илмий тадқиқотлар, менежмент, бизнес ва бошқа соҳаларда фаол қўлланилмоқда. Бу фактлар ва маълумотлар таҳлили асосида онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда ахборот-таҳлилий фаолият душман ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ҳарбий

---

<sup>12</sup> Боронина Л., Совершенствование информационно-аналитической деятельности по обеспечению информационной безопасности в исполнительных органах власти. 2020. [https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/94205/1/m\\_th\\_o.s.deryabina\\_2020.pdf](https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/94205/1/m_th_o.s.deryabina_2020.pdf)

<sup>13</sup> Конотопов П. Ю., Курносков Ю. В. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы. М., 2004. – С. 13–14.

<sup>14</sup> Аверченков В.И., Системы организационного управления / В.И. Аверченков, В.В. Ерохин. – Брянск: БГТУ, 2012. – 208 С.

<sup>15</sup> Ерохин В.В., Некоторые аспекты информационно-аналитической работы в высшем учебном заведении. 12.10.2023. <https://odin.mgimo.ru/upload/iblock/fd0/nekotorye-aspekty-informacionno-analiticheskoy-raboty-v-vysshem-uchebnom-zavedenii.pdf>

харакатларни режалаштириш учун асосий воситага айланди. “Совуқ уруш” даврида ахборот-таҳлилий фаолият ҳарбий имкониятларни баҳолаш ҳамда карама-қаршилик стратегияларини ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Қолаверса, XX асрнинг иккинчи ярмида компьютерлар ва криптографиянинг ривожланиши муҳофаа соҳасида ахборотни таҳлил қилиш билан бирга қайта ишлаш усуллари ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Эътиборлиси шундаки, ахборот-таҳлилий фаолият ривожланишда давом этмоқда ва уларнинг хавфсизликни таъминлашдаги роли муҳимлигича қолмоқда.

Хусусан, Россия Федерациясининг замонавий Қуролли кучларида ҳаракатлар самарадорлиги ва мувофиқлаштирилишини таъминлашда ахборот-таҳлилий фаолият асосий ўринни эгаллайди<sup>16</sup>.

Шу билан бир қаторда, ахборот-таҳлилий фаолият куйидаги жараёнларни ўз ичига қамраб олади<sup>17</sup>:

- мақсадларни таҳлил қилиш ва вазифаларини белгилаш (таҳлилчи иш натижасида эришиш керак бўлган асосий мақсад ва вазифаларни аниқлаш);

- маълумот тўплаш (вазирнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш билан биргаликда маълумот тўплаш);

- маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш (бошқарув мақсадлари контекстида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш);

- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларнинг моҳиятини аниқлаш (ўрганилаётган объектларнинг асосий белгилари ва хусусиятларини тушуниш);

- моделни шакллантириш (маълумотларнинг муҳим қисми ва объектнинг ишлаш муҳити асосида моделни яратиш);

---

<sup>16</sup> Дудак М.Н., Пленарные доклады // Роль информационных систем в военной сфере // 55-я научная конференция аспирантов, магистрантов и студентов БГУИР, 2019 г.,

<sup>17</sup> Научно-исследовательский институт информационно-аналитических технологий // Основы методологии информационно-аналитической деятельности. 20.02.2024. <https://nii-iat.ru/osnovy-metodologii-informatsionno-an/>

- моделнинг мослигини текшириш ва уни созлаш (моделнинг тўғрилигини текшириш ва керакли ўзгаришларни амалга ошириш);

- экспериментал лойиҳалаш (табiiй шароитларда тажрибалар ўтказиш ёки ақлий иш моделини яратиш);

- тадқиқот, прогнозлаш асосида янги билимларни шакллантириш (тадқиқотлар асосида янги билимларни олиш ва келажакдаги тенденцияларни башорат қилиш);

- натижаларни асослаш ва истеъмолчига етказиш (тадқиқот натижаларини истеъмолчига, ижрочиға ёки бошқарув қарорларини қабул қилувчиға тақдим этиш).

Ахборот-таҳлилий фаолият соҳасидаги мутахассислар ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун маълум кўникма ва фазилатларға эға бўлишлари керак. Бундай мутахассисларға қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:<sup>18</sup>

Маълумотларни таҳлил қилишнинг асосий усуллари ва воситаларини билиш. Бунда мутахассислар статистик таҳлил, машинали ўрганиш, матн таҳлили ва бошқалар каби маълумотларни таҳлил қилишнинг турли усул-воситаларини яхши билишлари керак. Улар катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдали маълумотларни олиш учун ушбу усулларни қандай қўллашни тушунишлари керак бўлади;

Дастурлаш ва маълумотлар базаси кўникмалари. Мутахассислар маълумотларни самарали қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун дастурлаш кўникмаларини билишлари лозим. Улардан “Python” каби дастурлаш тилларини билишлари ва маълумотларни сақлаш ва олиш учун маълумотлар базалари билан ишлаш имкониятиға эға бўлишлари талаб қилинади;

Танқидий фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилияти. Таҳлилчилар танқидий фикрлаш ва маълумотларни таҳлил қилиш, қонунийлигини аниқлаш ва хулосалар чиқариш қобилиятиға эға бўлиши муҳим

---

<sup>18</sup> Елена М., Информационно-аналитическая деятельность: ключевые понятия и принципы // Научные Статьи.Ру (помощь студентам в учебе). 13.03.2024. <https://nauchniestati.ru/spravka/informaczionno-analiticheskaya-deyatelnost/>

ҳисобланади. Улар маълумотни танқидий баҳолаш ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида онгли қарорлар қабул қилишни амалга ошириши керак;

Коммуникация маҳорати. Мутахассислар ўзларининг маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини самарали тақдим этишлари учун яхши мулоқот қобилиятларига эга бўлишлари керак. Улар мураккаб тушунчаларни оддий сўзлар билан тушунтира олишлари ва маълумотларни кенг аудиторияга тушунарли қилиш учун визуализация қилишлари зарур;

Жамоада ишлаш қобилияти. Таҳлилчилар жамоаларда ишлашда алоҳида кўникмаларга эга бўлишлари лозим, чунки маълумотларни таҳлил қилиш кўпинча бошқа мутахассислар билан ҳамкорликни талаб қилади. Улар ўз билим ва тажрибаларини баҳам кўришга тайёр бўлишлари ҳамда ҳамкасблари билан самарали мулоқот қила олишлари муҳим ҳисобланади.

Булар ахборот-таҳлилий фаолият соҳасидаги мутахассисларга кўйиладиган талабларнинг бир қисми холос. Муайян талаблар аниқ позицияга ва маълумотлар таҳлили иловасига қараб фарқ қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Томас Шеллинг<sup>19</sup> ўзининг илмий тадқиқотларида ахборот-таҳлилий фаолият мудофаа соҳасида асосий ўринда туришини таъкидлаган. Унга кўра ҳарбий йўналишда олиб борилган таҳлил таҳдидларни аниқлаш, стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда онгли қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Ахборотни билиш ва таҳлил қилиш тез ўзгарувчан дунёда муваффақиятли фаолиятнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Бугунги кунга келиб илмий ютуқлар мудофаа соҳасига кўлланиладиган мураккаб таҳлил усулларини ишлаб чиқишга олиб келди. Масалан, машинали ўрганиш (Machine learning) алгоритмлари катта маълумотлар тўпламини автоматик таснифлаш имконини беради. Бундан ташқари, табиий тилни қайта ишлаш (natural language processing) алгоритмлари матн маълумотларини тезкор таҳлил қилишни

---

<sup>19</sup> Шеллинг Т., Образование, правительство, достижения, 2023.

осонлаштиради, тутилган алоқа ва ижтимоий медиа суҳбатларини талқин қилишга ёрдам беради<sup>20</sup>.

Шу билан бирга, харбий соҳада изланиш олиб борган хорижий тадқиқотчилар мудофаа соҳасида ишончли маълумот йиғиш механизмларининг муҳимлигини таъкидлашган. Олиб борилган тадқиқотлар хар томонлама вазиятдан хабардорликни таъминлаш учун очик манбалар (OSINT), сигналлар (SIGINT) ва геофазовий (GEOINT) каби бир нечта манбаларни бирлаштиришнинг аҳамиятини очиб берган<sup>21</sup>. Бундан ташқари, маълумотларни бирлаштириш техникасидаги ютуқлар чуқур таҳлил олиб бориш учун турли хил маълумотлар манбаларини бирлаштиришга имкон беради.

Шу билан бирга, Алферов В.В. тадқиқотлари ахборот-таҳлилий фаолият мудофаа қарорларини қабул қилишга қандай таъсир қилишини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. У ўз асарларида маълумотларни таҳлил қилиш, тенденцияларни аниқлаш ва воқеаларни башорат қилиш қобилиятининг муҳимлигини ҳамда бу жараёнда ахборот-таҳлилий ҳужжатларга қуйилган талабларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтган<sup>22</sup>.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда қўйиладиган замонавий талаблар тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги, долзарблиги ва фойдалилигини таъминлашга қаратилган бир нечта ёндашувларни ўз ичига олади.

*биринчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш ишончли манбалардан маълумотларни синчиковлик билан йиғишдан бошлашни

---

<sup>20</sup> Галущенко О. В., Информационно-аналитическая деятельность в современном обществе // *Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки*, 2009 г.

<sup>21</sup> Мудофаа тадқиқотларида очик манба разведка усулини қўллаш (The application of the Open Source Intelligence method in Defense studies). September 2020. [https://www.researchgate.net/profile/Sabrina-Medeiros/publication/344274560\\_The\\_application\\_of\\_the\\_Open\\_Source\\_Intelligence\\_method\\_in\\_Defense\\_studies/links/5f6291ada6fdcc1164191f27/The-application-of-the-Open-Source-Intelligence-method-in-Defense-studies.pdf?\\_tp=eyJjb250ZXh0Ijp7ImZpcnN0UGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9uIiwicGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9u](https://www.researchgate.net/profile/Sabrina-Medeiros/publication/344274560_The_application_of_the_Open_Source_Intelligence_method_in_Defense_studies/links/5f6291ada6fdcc1164191f27/The-application-of-the-Open-Source-Intelligence-method-in-Defense-studies.pdf?_tp=eyJjb250ZXh0Ijp7ImZpcnN0UGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9uIiwicGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9u)

<sup>22</sup> Алферов В.В., Информационно-аналитическое обеспечение инновационной деятельности в министерстве обороны России: исторический и элементный аспекты, 2018, <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionno-analiticheskoe-obespechenie-innovatsionnoy-deyatelnosti-v-ministerstve-oborony-rossii-istoricheskii-i-elementnyy>

талаб қилади. Бу бирламчи тадқиқотлар сифатида сўровлар ёки интервьюлар, шунингдек, иккиламчи тадқиқотларда адабиётлар шарҳи ва маълумотлар таҳлили каби босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Бугунги кун талаблари турли хил маълумотлар манбаларидан, жумладан, анъанавий ва ижтимоий медиа таҳлиллари каби янги манбалардан фойдаланиш муҳимлигини кўрсатмоқда;

*иккинчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар нафақат маълумотларни тақдим этилиши, балки муаммони чуқур ўрганиш орқали таҳлилий натижаларга эришиш учун уларни танқидий жиҳатдан кўриб чиқишни талаб қилади. Бунга маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш, тенденцияларни аниқлаш ва далилларга асосланган хулосалар чиқариш киради. Янги талаблар танқидий фикрлаш кўникмалари, жумладан, ноҳолисликни аниқлаш ҳамда корреляция ва сабабий-боғлиқликни фарқлай билишнинг муҳимлигини таъкидламоқда;

*учинчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тушунарли ва осон тилда ёзилиши муҳим аҳамиятга эга. Замонавий талаблар турли аудиториялар учун тушунарли, аниқ, ихчам бўлган тилдан фойдаланишга урғу беради. Диаграммалар, графиклар ва инфографика каби визуал қўлланмалар мураккаб маълумотларни тушуниш ва эсда қолишини яхшилаши мумкин. Бундан ташқари, таҳлилий ҳужжатлар мантиқий тарзда тартибга солиниши талаб қилинади.

*тўртинчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар ўз вақтидалиги ва долзарблиги билан бугунги аудиторияга мос келиши керак. Бу мавзудаги янги ишланмалар ёки ўзгаришларни акс эттириш учун мунтазам янгиланишларни талаб қилиши мумкин. Ўзгарувчан шароитларга, масалан, пайдо бўладиган тенденциялар ёки инқирозли вазиятларга жавоб беришда мослашувчанлик муҳимлигини бугунги давр талаб қилмоқда.

*бешинчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда ахлоқий меъёрлар катта аҳамиятга эга. Бу маълумотлар махфийлигини таъминлаш ва таҳлилга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай манфаатлар

тўқнашуви ёки тарафкашликни ошкор қилишни ўз ичига олади. Бугунги кун талаблари ҳужжатлар ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида, жумладан, қидириш, таҳлил қилиш ва қўллашда шаффофлик ва яхлитликни талаб қилмоқда.

*олтинчидан*, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар кўпинча турли манфаатдор томонларнинг ўз тушунчаларини илгари суриши ва фикр-мулоҳазаларини киритиши ортидан тўлиқ бўлади. Ёндашувлар ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида экспертлар, сиёсатчилар ва соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни қўллаб қувватлайди. Манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларида инклюзивлик ва хилма-хиллик бўлиши кенг қўламли истиқболларни ҳисобга олишда ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Мудофаа соҳасида ахборот-таҳлилий фаолият хавфларни баҳолаш ва моделлаштиришда ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Тарихий маълумотлар ва статистик моделлардан фойдаланган ҳолда, таҳлилчилар пайдо бўлган тенденцияларни аниқлашлари, потенциал таҳдидларни баҳолашлари ҳамда қарши ҳаракатларни олдиндан билишлари мумкин. Ушбу ёндашув мудофаа соҳасига ресурсларни янада самаралироқ тақсимлаш, хавфсизлик кесимида салбий таъсирни юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатларга устувор аҳамият бериш ва умумий жанговар тайёргарликни кучайтириш имконини беради.

Мутахассислар фикрича, илмий тамойиллар мудофаа идоралари ва халқаро ҳамкорлар ўртасида ўзаро маълумотларни алмашиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантириш орқали таҳлилчилар гуруҳи мудофаа ҳамжамиятининг жамоавий ахборот-таҳлилий фаолият имкониятларини ошириб, кенгроқ маълумотлар ҳамда тажрибага эга бўлишлари мумкин. Ушбу ҳамкорликдаги ёндашув трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, шунингдек, глобал хавфсизликни таъминлаш учун зарурдир.

Ундан ташқари, замонавий мудофаа тизими сунъий йўлдошлар, ижтимоий тармоқлар ва инсон интеллекти каби турли манбалардан келиб

тушадиган маълумотларнинг кўплиги билан тавсифланади. Ушбу маълумотлар оқими қимматли ҳисобланиши билан бирга, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш нуқтаи назаридан жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Илмий ёндашувлар ушбу мураккаб ахборот муҳитини бошқариш учун тизимли таҳлил методологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчилар турли назария ва эмпирик далилларга асосланиб, замонавий урушни шакллантирувчи мураккаб динамикани ёритиб беради ҳамда юзага келаётган таҳдидларга самарали қарши туриш учун илғор таҳлилий воситалар ва методологиялардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди.

Бундан ташқари, кенг камровли ахборот-таҳлилий фаолият ёрдамида давлатлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва глобал барқарорликни қўллаб-қувватлашлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-таҳлилий фаолият маълумотни қайта ишлаш ва муҳим қарорлар қабул қилиш учун кучли воситадир. Маълумотлар синтези, илғор таҳлилий услублар, хавфларни баҳолаш ва ҳамкорликда ахборот алмашишни қўллаш орқали мудофаа ташкилотлари ўзгарувчан таҳдидларни олдиндан билиш, аниқлаш ва уларга жавоб бериш имкониятларини оширишлари мумкин. Ривожланаётган технологиялардан хабардор бўлиш ва тобора мураккаблашиб бораётган хавфсизлик муҳотида рақобатдош устунликни сақлаб қолиш учун ахборот-таҳлилий фаолиятга оид тадқиқот ва ишланмаларга инвестиция киритишни давом эттириш жуда муҳимдир.